2017 йил 4 октябрь, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 200 (13.533)

Баҳоси эркин нархда

## ТУРИЗМНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда туризмни изчил ривожлантириш истиқболлари, сайёҳлик объектларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини ошириш, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Бугунги кунда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган.

Туризм – иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарур, буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда, деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат. Чунки она заминимизда бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган аждодларимиз мангу қўним топган. Улар қолдирган бой маънавий-маданий меросга халқаро майдонда қизиқиш жуда катта. Соҳани янада ривожлантириш учун, аввало, зарур инфратузилмани такомиллаштириш шарт. Биринчиси, транспорт, иккинчиси логистика, деб таъкидлади Президентимиз.

Йиғилишда қайд этилишича, 2017 йилнинг 9 ойи якунига кўра, қарийб 1 миллион 800 минг сайёҳ юртимизга келган. Бу 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 17 фоиз кўпдир. Мамлакатимизда сайёҳлик хизматлари экспорти ҳам 17 фоиз кўпайиб, 1 миллиард 86 миллион долларни ташкил қилган. Йил охирига қадар мамлакатимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар сони 2,5 миллиондан ошиши кутилмоқда.

Мамлакатимизда туризмнинг янги истиқболлари очилиб, турли йўналишларда кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда альпинизм, отда, туяда, велосипедда саёҳат қилиш, off-road саёҳатлари, балиқ ови, рафтинг, хелиски, геотуризм, таълим туризми, тиббий туризм каби янги сайёҳлик йўналишлари оммалашмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони туризм тармоғини жадал ривожлантиришни таъминлаш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, минтақаларда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишда муҳим омил бўлмоқда.

Фармонда белгилаб берилган мақсадли вазифалар ҳамда устувор йўналишларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди.

Ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистон туризм салоҳиятини комплекс ривожлантиришга қаратилган 16 норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар асосида туризм соҳаси субъектларига сезиларли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда бошқа енгилликлар тақдим қилинди.

Мамлакатимиз туризм тармоғини Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ISO) талабларига мос келишини таъминлаш мақсадида туризм терминологияси ва меҳмонхона хўжаликлари хавфсизлиги талаблари бўйича янги 2 та давлат стандарти ишлаб чиқилди ва рўйхатдан ўтказилди.

Булардан ташқари, Президентимизнинг тегишли қарори билан ҳудудларда туризм соҳасининг бошқарув тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳамда Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ҳокимларининг туризм масалалари бўйича ўринбосарлари лавозими жорий этилди.

Ўтган давр мобайнида давлатимиз раҳбари топшириқлари асосида Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах ва Фарғона вилоятларида туризм инфратузилмасини яхшилаш, янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этиш ҳамда ҳудудларнинг туризм салоҳиятини кенг тарғибот қилишга қаратилган дастурлар қабул қилинди. Жумладан, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида сайёҳлар учун куну тун фаолият кўрсатувчи, ҳар бирининг ҳудуди 10 гектардан иборат "Қадимий Бухоро" ва "Самарқанд сити" туризм ҳудудларини барпо этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Паркент ва Оҳангарон-Ангрен туризм кластерлари ҳудудларида меҳмон уйларини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва бугунги кунда амалиётга жорий этилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 16 августдаги "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Қарорга кўра, 2018-2019 йилларда соҳа олдида турган муҳим масалалар ечимига бағишланган алоҳида дастур тасдиқланди ва унинг тўлиқ ижросини таъминлаш ва соҳада олиб борилаётган ишларни идоралараро мувофиқлаштириш мақсадида Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди.

Дастур асосида юқоридаги каби алоҳида туризм ҳудудлари Тошкент, Урганч шаҳарларида ва Фарғона вилоятида ташкил этилиши белгиланган.

Шунингдек, дастур доирасида туризмнинг тиббий, рекреация, агро ва экотуризм йўналишлари бўйича алоҳида дастурлар қабул қилиниши ҳам белгилаб қўйилди.

Замонавий туризм истиқболларидан бири – ноёб табиий масканлар ҳисобланади. Ўзбекистон Марказий Осиёда экотуризм энг ривожланган етакчи давлатдир. Юртимиз бой ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, бетакрор ландшафт манзараси, миллий анъаналар ва таомлар ошхонаси билан сайёҳлар эътиборини қозониб келади. Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи, унинг таркибига кирувчи Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси, Айдар-Арнасой кўллар тизими ва Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зоналарида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш масалалари доирасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда ҳар бир йўналиш бўйича, яъни Европа, Осиё ва бошқа қитъалардан келадиган сайёҳлар учун махсус дастурлар ишлаб чиқиш, чартер рейслар ва темир йўлларда қатновлар сонини кўпайтириш, туризм ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини мукаммал ўзлаштириш, ички туризмни ривожлантириш, сайёҳлик объектларини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мамлакатимизда туризм йўналишида мутахассислар тайёрловчи 5 олий ўқув юрти, жумладан, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ҳамда ўндан ортиқ ўрта махсус билим юрти фаолият кўрсатмоқда. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси сайёҳлик соҳасида таълим олаётган ёшлар, соҳада меҳнат қилаётган мутахассисларнинг Европа ҳамда Осиёнинг йирик сайёҳлик марказлари ва ўқув юртларида малака оширишига кўмаклашмоқда.

Соҳа истиқболида яна бир муҳим жиҳат – бу ҳудудлардаги барча маданий-тарихий мерос объектлари, табиий ўлкашунослик, миллий қўриқхона ҳудудларининг ягона маълумотлар базасини яратиш, туризм соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, минтақаларда туризмни ривожлантириш учун жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоатчилик кучларини бирлаштиришдан иборат. Бу борадаги изчил ишларни амалга оширишда мамлакатимизда мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган бўлиб, ҳудудлар учун махсус дастурлар ишлаб чиқилган ва жараён изчил давом этмоқда.

Мамлакатимиз туризм индустрияси жадал ривожланишида хусусий секторнинг устувор иштирокини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир юзлаб тадбиркор ва ҳунармандлар туризм соҳасига жалб қилинган бўлиб, улар сувенир маҳсулотлари ишлаб чиқариш, меҳмонхона хўжалиги, сайёҳларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланади.

Туризмни ривожлантиришда хориж мамлакатларида бўлиб ўтадиган сайёҳлик кўргазма ва анжуманлари муҳим аҳамият касб этади. Юртимиз миллий маданий меросини чет элларда оммалаштириш, мамлакатимизга хорижлик сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш ва ички туризмни ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз сайёҳлик ташкилотлари Мадрид, Рига, Берлин, Париж, Токио, Лондон, Москва, Истамбул каби дунёнинг йирик шаҳарларида қатор кўргазмалар ташкил этмоқда ёки халқаро кўргазмаларда қатнашмоқда. Бу, албатта, ўз самарасини бериб, хорижий сайёҳларнинг юртимизга оқими тобора кўпаймоқда.

Йиғилишда туризм индустриясини жадал ривожлантиришда хусусий сектор иштирокини янада кенгайтириш, уларга имтиёзлар тақдим этиш, соҳада кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, янги сайёҳлик маҳсулотлари турини кўпайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари мутасадди қўмита, вазирлик ва идоралар раҳбарларига сайёҳликни мавсумий эмас, балки йил давомида даромад манбаига айлантириш, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, сайёҳларни жалб қилишда янгича усул ва ёндашувлардан самарали фойдаланиш, кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича топшириқлар берди.

**ЎзА**

## ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев 2017 йил 5-6 октябрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.**

Ўзбекистон Президентининг 5-6 сентябрь кунлари Қирғизистонга давлат ташрифи чоғида бўлиб ўтган олий даражадаги мулоқотнинг давоми сифатида икки давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари бўйича фикр алмашадилар.

Давлат раҳбарлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон ва Қирғизистон саноат маҳсулотлари кўргазмасига ташриф буюрадилар.

Музокаралар якунлари бўйича Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида Қўшма декларацияни қабул қилиши кутилмоқда.

Ташриф доирасида турли соҳаларда ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

## ЯҚИН МУЛОҚОТ – ЎЗБЕК ВА ҚИРҒИЗ ХАЛҚЛАРИ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ГАРОВИ

***Бундан роппа-роса бир ой муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат ташрифи билан Қирғизистон Республикасида бўлган эди. Мамлакатимиз раҳбарининг таклифига биноан жорий йил 5-6 октябрь кунлари Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоев давлат ташрифи билан ўзбек заминига келади.***

Бундай қизғин ва самарали сиёсий мулоқот икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, тўпланиб қолган масалаларни ҳар икки томон учун наф келтирадиган тарзда ҳал этиш юзасидан ўзаро манфаатдорликнинг мавжуд эканлигини англатади. Сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзбек-қирғиз Давлат чегараси тўғрисидаги Шартноманинг имзолангани ҳам шундан далолат беради. Ушбу муҳим ҳужжат нафақат мамлакатларимизда, балки бутун Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш нуқтаи назаридан тарихий аҳамиятга эгадир.

Мамлакатларимиз раҳбарлари икки қардош халқларнинг хоҳиш-иродасини ифода қилгани ҳолда сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда давлатлараро ҳамкорликни кенгайтириш устида доимий равишда иш олиб бормоқдалар. Ўзбекистон Президентининг жорий йил 5-6 сентябрдаги ташрифи чоғида эришилган келишувлар ўз вақтида ва тўла кўламда амалга оширилишини таъминлаш бўйича қабул қилинган кўп қиррали "йўл харитаси" ҳам ана шу мақсадни ўзида мужассам этган.

Айтиш мумкинки, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашдан кутилган натижалар ўзини оқлади ва бу узоқ куттиргани йўқ: 2017 йилнинг етти ойи мобайнида икки мамлакат ўртасидаги товар алмашув ҳажми 60 фоизга ошгани ҳолда 150 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бишкекда бўлиб ўтган музокаралар чоғида бу кўрсаткични яқин йилларда 500 миллион долларга қадар кўпайтириш имкониятлари мавжуд эканлиги маълум қилинган эди.

Бу соҳадаги ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида жорий йил 26-28 сентябрь кунлари Қирғизистон иқтисодиёт вазири Артем Новиков Ўзбекистонда бўлиб, мамлакатимизнинг савдо-сармоявий ва илмий-технологик имкониятлари билан яқиндан танишди. Бундан илгарироқ, яъни 5 сентябрь куни Бишкекда бўлиб ўтган икки томонлама бизнес форуми чоғида у автомобилсозлик ва машинасозлик, илғор тиббиёт, биотехнология, фармацевтика саноати соҳаларида ҳамда тўқимачилик жабҳасида Ўзбекистон катта муваффақиятларни қўлга киритгани тўғрисида баёнот берган эди.

(Давоми 3-бетда)

## ТОШКЕНТ ЙИРИК МЕГАПОЛИСГА АЙЛАНМОҚДА

***Пойтахт ҳокимлигида Тошкент шаҳрида архитектура, лойиҳалаштириш, қурилиш, ободонлаштириш ҳамда кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда пойтахт Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси масъуллари, журналистлар иштирок этди.***

Тошкент шаҳрида йилдан йилга аҳоли ҳамда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш объектларининг сони ортиб бораётир. Мазкур жараён пойтахтимизнинг барча ҳудудларида янги аҳоли массивлари, иншоотлар, йўл ва кўприклар, хиёбонлар, истироҳат боғларини бунёд этишни тақозо этмоқдаки, пировардида Тошкент миллий меъморлик анъаналари ҳамда дунё архитектураси ютуқларини уйғунлаштирган йирик мегаполисга айланмоқда.

Сергели туманида бунёд этилаётган юздан зиёд кўп қаватли уй-жойларда бугунги кунда сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Айни пайтда мазкур уйларга ёндош ҳудудда ер усти метрополитенининг қурилиши ҳам жадал давом этмоқда. Ўзига хос муҳандислик ечимлари асосида бунёд этилаётган мазкур ноёб транспорт йўли Чоштепа маҳалласидан ўтиб, Сергели туманининг Йўлдош мавзесидаги Мағриб кўчасигача боради.

(Давоми 3-бетда)

## ТУМАН САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан 2017 йил 15 сентябрда қабул қилинган "Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида" қарорида Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов – 2017 йил декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида, яъни 2017 йил 24 декабрь куни ўтказилиши белгиланган.

Аввал хабар қилинганидек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиялари тузилди. Бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тавсия этилган номзодлар фаолиятига тенг шарт-шароитлар яратиш, сайловни демократик тарзда очиқ ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтказиш, сайлов жараёнини аҳоли орасида кенг тарғибот ва ташвиқот қилиш ҳамда сайловчиларнинг сайловда фаол иштирок этишини таъминлаш сайлов комиссиялари олдидаги устувор вазифалардан бири эканлиги таъкидланган эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, барча туманларда туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияларининг биринчи йиғилишлари бўлиб ўтди. Йиғилишларда қабул қилинган қарорларга кўра, туман комиссияси раиси ўринбосарлари ва комиссия котиблари сайланди.

**Азиз газетхонлар, газетамизнинг 2-бетида Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиялари таркиби, жойлашган жойи, манзили ва телефон рақамлари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Самарқанд шаҳридаги "Темурбеклар мактаби"да таълим муассасасига жорий йилда ўқишга қабул қилинган ўқувчиларнинг "Тантанали ваъда" маросими ўтказилди. Маросимда ўқувчилар яхши билим олиш, жисмоний маҳоратини ошириб бориш ва Ватанимизга содиқ фарзанд бўлишга тантанали ваъда берди. Улар қисқа вақтда эгаллаган билими, сафда юриш кўникмасини кўргазмали чиқишлари орқали намойиш этди.**

**• Жиззахда Жанубий кореялик шифокорлар билан ўтказилган тиббий кўрикка 2 мингга яқин аҳоли жалб этилди. Хорижлик шифокорлар вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида даволаш, профилактика ишлари билан танишди. Вилоятдаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда 8 йўналишда беморларни кўрикдан ўтказди. 4 жарроҳлик амалиёти амалга оширилди.**

**• Зарафшон шаҳрида тўрт юлдузли "Zarafshan grand hotel" меҳмонхонаси иш бошлади. "Зарафшон Пром Инвест" масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилган ва 40 ўринга мўлжалланган меҳмонхонада қишки ва ёзги ресторан, маиший хизмат кўрсатиш ва соғломлаштириш хоналари замон талабларига тўла жавоб беради.**

**• Сурхондарё вилоятидаги "Termiz Cargo Centre" халқаро логистика маркази негизида ташкил этилган "Termiz kargo" экспорт марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. "Termiz kargo" экспорт маркази мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлари билан афғонистонлик ишбилармонлар доирасининг ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда ўзига хос дўстлик кўприги вазифасини ўтайди. Замонавий марказда қўшни давлат тадбиркорларига сифатли хизмат кўрсатиш учун барча қулайлик мавжуд.**

### ЖАҲОНДА

**• Хитой пойтахти Пекин шаҳрида жаҳонда илк бор квант видеоконференцияси ташкил этилди.**

**• Швейцариянинг Женева шаҳридаги марказий майдонда кўп минг кишилик мухлислар иштирокида баландлиги 6 метрдан кўпроқ бўлган улкан қўғирчоқлар театри ўз саҳна асарини намойиш этди. Ташкилотчиларнинг айтишича, бундай спектаклларни тайёрлаш учун камида 2-3 йил вақт кетади.**

**• Россиянинг Кубань шаҳрида экскурсия автобусининг юк машинаси билан ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида олти киши ҳаётдан кўз юмди, 20 нафар одам жароҳатланди.**

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БЕКТЕМИР ТУМАНИ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ТУМАН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

### Комиссия раиси

**Мусирманкулова Холидахон Сулаймановна** – Бектемир туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

### Раис ўринбосари

**Мавлонов Шухрат Рахматуллаевич** – Бектемир туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман бўлими мудири

### Комиссия котиби

**Хайдарова Зухра Шайхалиевна** – Бектемир туманидаги 289-мактаб директори ўринбосари

### Комиссия аъзолари

**Нарзиев Хасан Шухрат ўғли** – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бектемир тумани Кенгаши раиси

**Мавлянова Дилдора Хайдаровна** – Қизил Ярим Ой жамияти Бектемир тумани ижрочи директори

**Мухитдинов Камолиддин Хусниддинович** – И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали қошидаги ихтисослашган академик лицей директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

**Мадраҳимова Нилуфар Баҳодировна** – Бектемир туманидаги 291-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

**Таджиев Шерзод Искандарович** – Бектемир туманидаги 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори ўринбосари

**Жалилов Ўлмас Василжонович** – Бектемир туман статистика бўлими бошлиғи

**Валижанов Аброр Рахмонжанович** – Бектемир туман Молия бўлими мудири

**Мухамедов Хуснутдин Хамидович** – Бектемир туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори

*Манзил: Бектемир тумани, Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежи биноси, Роҳат кўчаси, 29, тел: 295-67-38*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ТУМАН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

### Комиссия раиси

**Магрупов Абдулла Махмудович** – И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳри филиалининг ижрочи директори

### Раис ўринбосари

**Хусанова Севара Рихсибаевна** – Мирзо Улуғбек туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори

### Комиссия котиби

**Музаффарова Саида Зухаковна** – Мирзо Улуғбек туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири ўринбосари

### Комиссия аъзолари

**Султонхўжаев Саидакром Анварович** – "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали Мирзо Улуғбек телефон боғламаси бошлиғи

**Нуритдинов Жалолиддин Жамалович** – "Тошшаҳартрансэкспедиция" автокорхонаси директори

**Ахмеджанов Шухрат Камилджанович** – "Подшобоғ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Тохтаева Хуриниса Турдиматовна** – "Бешкапа" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Юсупов Фарход Абдухакимович** – "Капиталбанк" Мирзо Улуғбек филиали бошқарувчиси

**Хаджимухамедова Зарифа Саидакрамовна** – Мирзо Улуғбек туманидаги Болалар суяк сили санаторийси бош шифокори

**Умурзаков Лутфулло Хасанбоевич** – Мирзо Улуғбек тумани Молия бўлими мудири

**Махатова Иқбол Турдиевна** – Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Мирзо Улуғбек туман кенгаши раиси

*Манзил: Мирзо Улуғбек тумани, И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали биноси, Дўрмон йўли кўчаси, 34, тел: 262-70-91*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МИРОБОД ТУМАНИ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ТУМАН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

### Комиссия раиси

**Хидоятов Абдусамат Абдурашидович** – "Eastern Construction Group" масъулияти чекланган жамияти директори

### Раис ўринбосари

**Курбонов Шухрат Эргашевич** – Миробод туманидаги 7-сон болалар стоматология поликлиникаси бош шифокори

### Комиссия котиби

**Расулова Дилноза Кобилджоновна** – Тошкент политехника касб-ҳунар коллежи директори

### Комиссия аъзолари

**Алимова Гулноза Мирзохидовна** – Миробод тумани Молия бўлими бошлиғи

**Азимов Фаррух Кахрамонович** – Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг Маънавият ва маърифат ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи

**Садиров Нижат Нурмухамедович** – "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали Миробод телефон боғламаси бошлиғи

**Хўжақулов Беҳзод Абдусатторович** – Миробод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири

**Юлдашева Клара Примкуловна** – "Миробод" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Ганиев Равшан Саидмуродович** – "Фотон" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ходимлар ва режим масалалари бўйича ўринбосари

**Раззоқова Нигора Марипбаевна** – Миробод тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори

**Аманликов Валижон Рахматуллаевич** – "Биродарлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси

*Манзил: Миробод тумани, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали биноси, Амир Темир шоҳ кўчаси, 22, тел: 233-58-26*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОЛМАЗОР ТУМАНИ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ТУМАН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

### Комиссия раиси

**Турабджанов Садриддин Махаматдинович** – Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори

### Раис ўринбосари

**Хикматов Самуг Сабирович** – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Олмазор тумани Кенгаши раиси ўринбосари

### Комиссия котиби

**Эронов Мамадали Тугалович** – Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Кенгаш котиби

### Комиссия аъзолари

**Каримова Адиба Абдурауповна** – Олмазор тумани Ахборот маслаҳат маркази раҳбари

**Миралимов Мирмухидин Миртурсунович** – Олмазор туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

**Султанов Дониёр Бахрамович** – Олмазор туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири

**Ахмедова Хурсанд Норқобиловна** – Қизил Ярим Ой жамияти Олмазор тумани ташкилоти раиси

**Юсупов Юлдаш Эргашевич** – Олмазор туман Молия бўлими мудири

**Эшмуродов Акбар Толлибоевич** – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" маркази директори

**Вапаев Хожиакбар Абдушарофович** – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Олмазор тумани Кенгаши раисининг ўринбосари

**Алибаева Муаззам Ибрагимовна** – Республика Маънавият ва маърифат марказининг Олмазор туман бўлими раҳбари

*Манзил: Олмазор тумани, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети биноси, Университет кўчаси, 2, тел: 246-46-00*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЕРГЕЛИ ТУМАНИ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ТУМАН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

### Комиссия раиси

**Саидикрамова Мухайё Хасанходжаевна** – Сергели туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири

### Раис ўринбосари

**Якубаев Тохир Гуламович** – Сергели туман "Махсустранс" автокорхонаси раҳбари

### Комиссия котиби

**Хурсандова Дилшода Абдуллаевна** – Сергели тиббиёт касб-ҳунар коллежи директори ўринбосари

### Комиссия аъзолари

**Жўракулов Адхамжон Махсумович** – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сергели тумани Кенгаши раиси

**Алимова Нодира Хабибуллаевна** – Сергели туманидаги "Ever Green Knowledge Bridge" нодавлат таълим муассасаси директори

**Ташходжаева Мунира Джураевна** – "Астробод" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Файзиллоев Алишер Абдиллоевич** – Сергели туман Молия бўлими бошлиғи

**Шукуров Нурали Шарипович** – Сергели туман статистика бўлими бошлиғи

**Бобокулов Шохназар Очилович** – Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицей директори

**Юсупов Илёсбек Икромбоевич** – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сергели тумани Кенгаши раиси ўринбосари

**Хакимов Акмал Кахраманович** – "Акмал таъмир" масъулияти чекланган жамияти раҳбари

*Манзил: Сергели тумани, Тошкент молия ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биноси, Янги Сергели кўчаси, 49, тел: 257-26-55*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ УЧТЕПА ТУМАНИ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ТУМАН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

### Комиссия раиси

**Рахимов Ғанишер Худойкулович** – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори

### Раис ўринбосари

**Шамсиев Ғуломиддин Ҳасанович** – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Учтепа тумани Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

### Комиссия котиби

**Эргашева Нигора Комиловна** – Учтепа туманидаги 386-мактабгача таълим муассасаси мудираси

### Комиссия аъзолари

**Аллабергенов Ойбек Таджиддинович** – Учтепа туман Бандлик бўлими бошлиғи

**Хантураева Наргиза Хайдаровна** – Учтепа туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири

**Исмоилов Шомурод Шоисломович** – Учтепа тумани Молия бўлими мудири

**Таджиев Мирхотам Мирхошимович** – Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

**Махмудхўжаева Мапура Туллаевна** – Учтепа туманидаги Аёллар маслаҳат маркази раҳбари

**Рихсибоев Отабек Равшанбек ўғли** – Учтепа туман "Ягона дарча" маркази бошлиғи

**Салимова Лобархон Яхеджановна** – Учтепа туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлими мудири

**Сулейманов Фуркат Ибрагимович** – "Учтепа инвест" давлат корхонаси раҳбари

*Манзил: Учтепа тумани, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети биноси, Кичик ҳалқа йўли, 21, тел: 195-11-61*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ТУМАН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

### Комиссия раиси

**Камилов Музаффар Муратович** – Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори

### Раис ўринбосари

**Сиддикхўжаева Шахлохон Сиддиқовна** – Чилонзор туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири

### Комиссия котиби

**Каримова Барно Эргашевна** – Чилонзор педагогика касб-ҳунар коллежи директори ўринбосари

### Комиссия аъзолари

**Азимов Санжар Марипжанович** – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Чилонзор тумани Кенгаши раиси ўринбосари

**Валиханов Фирдавси Шералиханович** – Чилонзор туман Молия бўлими бошлиғи

**Рашитходжаев Хайрулло Хабибуллаевич** – "Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси Чилонзор тумани турар-жой бино ва иншоотлари кадастри бўлими бошлиғи

**Мирзаджанов Хатамжон Халматович** – Чилонзор туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

**Хакимова Мархамат Худойбердиевна** – "2-Қатортол" маҳалла фуқаролари йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Махамедов Атхам Ибрахимович** – "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали Чилонзор телефон боғламаси бошлиғи

**Рахимова Севара Суннатуллаевна** – Қизил Ярим Ой жамияти Чилонзор тумани ташкилоти раиси

**Сраджиддинов Фазлитдин Нурутдинович** – "Хоразм шакар" корхонаси бош директори

*Манзил: Чилонзор тумани, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети биноси, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 27, тел: 276-82-25*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ТУМАН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

### Комиссия раиси

**Муталов Шухрат Ахмаджонович** – Тошкент кимё-технология институти ректори

### Раис ўринбосари

**Тошматов Баходир Нигматович** – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Шайхонтоҳур туман Кенгаши раиси ўринбосари

### Комиссия котиби

**Зияева Наргиза Махкамджановна** – Шайхонтоҳур туманидаги 13-мактаб директори

### Комиссия аъзолари

**Сирожов Ойбек Очилович** – Тошкент кимё-технология институтининг фалсафа ва маънавият асослари кафедраси мудири

**Караходжаева Махфуза Хамидуллаевна** – Тошкент кимё-технология институти касаба уюшмаси қўмитаси раиси

**Абдуллаева Фотима Хабибуллаевна** – "Жанггоҳ" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Рустамов Ансор Нигматович** – Шайхонтоҳур туман Молия бўлими мудири

**Бурханова Гулнора Рихсиходжаевна** – Шайхонтоҳур туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

**Широва Фахрия Исманбаевна** – Шайхонтоҳур туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири

**Арабов Бахтиёр Исомиддинович** – Республика Маънавият ва маърифат марказининг туман бўлими бошлиғи

**Акилова Феруза Атауллаевна** – Тошкент шаҳар 4-сон болалар клиник шифохонаси бош шифокори

*Манзил: Шайхонтоҳур тумани, Тошкент кимё-технология институти биноси, Навоий кўчаси, 32, тел: 244-78-49*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЮНУСОБОД ТУМАНИ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ТУМАН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

### Комиссия раиси

**Тешабаев Тулкин Закирович** – Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори

### Раис ўринбосари

**Исаков Абдусаид Жалилович** – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги академик лицей директори

### Комиссия котиби

**Комилова Дилфуза Тургунбаевна** – Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сонли академик лицейнинг маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари

### Комиссия аъзолари

**Махамедова Валида Суннатовна** – Юнусобод туманидаги 206-мактабгача таълим муассасаси мудираси

**Махбубов Дилшод Муминович** – Увайсий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Киргизбаев Турғун Турдиалиевич** – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Юнусобод тумани Кенгаши раиси ўринбосари

**Мамедов Вагиф Қахромонович** – Юнусобод туман "Ягона дарча" маркази раҳбари

**Шерматов Икром Иномжонович** – Юнусобод туман статистика бўлими бошлиғи

**Тиллабаева Наргиза Обобахрамовна** – Юнусобод туман Молия бўлими мудири

**Абдуллаев Ғулом Ашуралиевич** – Юнусобод туман хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси

**Мурадова Мархамат Самиевна** – Юнусобод туман маданият бўлими мудири

*Манзил: Юнусобод тумани, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети биноси, Амир Темур шоҳ кўчаси, 108, тел: 238-64-15*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ТУМАН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

### Комиссия раиси

**Юнусов Салоҳиддин Зуннунович** – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори

### Раис ўринбосари

**Собиров Абдулхай Шукурович** – Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети проректори

### Комиссия котиби

**Абдугаффаров Абусаттар Абдужаббарович** – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи

### Комиссия аъзолари

**Ғофуров Равшан Касимжанович** – Яккасарой туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири

**Джураев Хамидулла Насруллаевич** – Яккасарой туман Молия бўлими бошлиғи

**Кўшақов Фаёз Хуррамович** – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Яккасарой тумани Кенгаши раиси

**Раджабова Сурайё Тулагановна** – "Соғлом авлод учун" фонди Яккасарой тумани таянч маскани раҳбари

**Алиходжаев Равшан Саидазимович** – Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

**Маҳмудова Махбуба Акрамовна** – Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби бўлими бошлиғи

**Джалилова Зулфия Джураевна** – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Яккасарой тумани Кенгашининг бош мутахассиси

**Абдуллаева Ширин Зафаровна** – Яккасарой туман Бандлик бўлими бошлиғи

*Манзил: Яккасарой тумани, Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети биноси, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103, тел: 281-55-25*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЯШНОБОД ТУМАНИ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ТУМАН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

### Комиссия раиси

**Ризаев Жасур Олимжонович** – Тошкент давлат стоматология институти ректори

### Раис ўринбосари

**Абдуллаева Муаттар Илясовна** – Яшнобод тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори

### Комиссия котиби

**Ирисматов Ахмаджон Юнусмахаматович** – Тошкент давлат стоматология институтининг ходимлар бўлими бошлиғи

### Комиссия аъзолари

**Хасанов Олим Хусанович** – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Яшнобод тумани Кенгаши раисининг ўринбосари в.б.

**Тулебаева Нилуфар Сайловбаевна** – Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Яшнобод тумани вакили

**Шарипов Ғайрат Азимович** – Яшнобод туман Бандлик бўлими бошлиғи

**Низомиддинов Бадриддин Хусниддинович** – Яшнобод туман Молия бўлими мудири

**Камалов Жамолиддин Сайфитдинович** – Яшнобод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири

**Гайнулина Назира Касимовна** – Яшнобод туман маданият бўлими мудири

**Махмудхўжаев Фаррух Фуркатович** – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Яшнобод тумани Кенгаши раиси

**Усмонхўжаева Фируза Сабитжановна** – 30-Меҳрибонлик уйи директори

*Манзил: Яшнобод тумани, Тошкент давлат стоматология институти биноси, Махтумкули кўчаси, 103, тел: 230-47-99*





# ТОШКЕНТ ЙИРИК МЕГАПОЛИСГА АЙЛАНМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Анжуманда жорий йилда аҳолини арзон турар жойлар билан таъминлаш борасида бошланган ишлар ҳажми келгусида янада кенгайтирилиши маълум қилинди. Қайд этилганидек, бунда пойтахтликларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиқиб, 3 ва 4 хонали квартиралар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Замонавий қурилиш материаллари ҳамда техника воситаларидан фойдаланишни янада кенгайтириш орқали турар жойлардаги қаватлар сонини кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Пойтахтимизда яшил майдонларни кўпайтириш, ҳавонинг тозалиги ва табиий дам олиш масканларига яқинлик каби мезонларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда шаҳардаги барча туманларда янги истироҳат боғлари барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида замонавий ва юқори технологияли маданий ва кўнгилочар боғ, пойтахт марказида Наврўз паркини қуриш устида ишлар бошлаб юборилган.

Президентимизнинг янги типдаги маҳалла марказларини бунёд этиш бўйича таклифи асосида ҳозирги вақтда пойтахтнинг 500 дан ортиқ маҳалласида қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Марказларда маҳалла раиси, котиб ва маслаҳатчилар, профилактика инспектори учун хоналар ажратилиши билан бир қаторда ҳудудда чойхона, новвойхона, "Гўзаллик салонлари", дўконлар, спорт ва болалар майдончаларининг бунёд этилиши одамларнинг зарур эҳтиёжларини қондириш билан бирга, ҳудуддаги маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маълумотларига кўра, пойтахтдаги мавжуд 183 минг 250 дан зиёд объектнинг 89 фоизи жисмоний шахсларга тегишли. Бугунги кунда жисмоний шахсларга тегишли 77 мингдан зиёд объект хатловдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 27 февралдаги "Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳар "Ермулккадастр" давлат корхонаси ҳамда давлат нотариал идоралари ўртасида электрон тизим йўлга қўйилди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Б.БОЗОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛИШУВЛАР ИМЗОЛАДИ

***Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Мантуров бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида пойтахтимизда Ўзбекистон – Россия ишбилармонлари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди.***

Икки давлат вазирлик, савдо-саноат, инвестиция ва бошқа тадбиркорлик соҳаларида фаолият юритувчи компаниялари раҳбарлари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон – Россия ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик йўналишидаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ишончли стратегик шериклар сифатида ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу жиҳатлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4-5 апрель кунлари Россия Федерациясига давлат ташрифи давомидаги самарали мулоқотларда ўз аксини топди.

Икки давлат раҳбарлари савдо-иқтисодиёт, нефть-кимё, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, маданият, туризм, меҳнат мигрантларига муносиб шароитлар яратиш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан истиқболли келишувларга эришди.

Ўзбекистон – Россия муносабатларида савдо-иқтисодий ҳамкорлик етакчи ўрин тутади. 2013-2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2015-2019 йилларда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига оид ҳукуматлараро битимга мувофиқ бу соҳадаги алоқалар изчил тараққий этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири Э.Ғаниев, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси А.Аҳмадхўжаев ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли савдо-иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари жадал ривожланаётгани, россиялик ишбилармонлар учун Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит, зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Д.Мантуров Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга юксак баҳо берди. Ишлаб чиқариш ва саноатни диверсификация қилишга қаратилган изчил чора-тадбирлар инвестиция муҳити ва тадбиркорликни жадал ривожлантиришга хизмат қилаётганини қайд этди.

Бугун мамлакатимизда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 1000 га яқин корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда Россиянинг 60 дан зиёд фирма ва компанияси ваколатхонаси очилган. Россия Федерацияси ҳудудида ўзбекистонлик ҳамкорлар билан 569 тадбиркорлик субъекти ишлаб турибди. 2016 йилда икки мамлакат ўртасида товар айирбошлаш ҳажми қарийб 4 миллиард 200 миллион долларни ташкил этди, жорий йилнинг январь-август ойларида эса 3 миллиард доллардан ошди.

Бизнес-форумда ишбилармонлар ўзларини қизиқтирган лойиҳаларни муҳокама қилди. Нефть-кимё, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, саноат ишлаб чиқариш соҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича истиқболли келишувларга эришди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Н.Отажонов сўзга чиқди.

**У.АСРОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЯҚИН МУЛОҚОТ – ЎЗБЕК ВА ҚИРҒИЗ ХАЛҚЛАРИ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ГАРОВИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Жорий йил 12-14 сентябрь кунлари Ўшда ўтказилган "Жануб Экспо – 2017" халқаро кўргазма-ярмаркаси икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш учун яхши майдонча бўлди. Ушбу тадбирда Ўзбекистон бизнес доиралари вакиллари умумий қиймати 30 миллион АҚШ доллари миқдорига тенг бўлган шартномаларни имзолашди. 21-25 сентябрь кунлари эса Бишкекда бўлиб ўтган "АгроПрод Экспо-2017" кўргазмасида Қирғизистон ва Россия компаниялари билан бирга Тошкентда фаолият кўрсатадиган 11 кичик саноат корхонаси ҳам иштирок этди.

Жорий йил 29 сентябрь - 1 октябрь кунлари Қирғизистон Республикаси пойтахтида бўлиб ўтган Тошкент, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги 200 та корхонанинг саноат кўргазмаси ҳам кўнгилдагидек кечди.

Минтақавий транспорт қатновларининг ривожланиши савдо-иқтисодий ҳамкорликда юқори марраларни забт этишга кўмаклашиши мумкин. Маълумки, мамлакатларимиз катта транзит салоҳиятига эга. Сиёсатчилар ҳам, экспертлар ҳам бу имкониятдан максимал даражада самарали фойдаланиш зарурлиги ҳақида кўп гапиришади. Томонлар Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой темир йўл магистрали лойиҳасининг қисқа муддатларда амалга оширилишидан манфаатдор эканликларини бир неча бор билдиришган. Бу ғояни ҳаётга тадбиқ этиш истиқболда товар алмашиш ҳажмининг ўсишига ҳамда "Шарқ – Ғарб" йўналиши бўйича транзит бўғини сифатида икки мамлакатнинг жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик яхши қўшничилик, қардошлик ва ҳамкорлик асосида чегарадош минтақаларнинг ўзаро алоқаларини фаоллаштириш Ўзбекистон – Қирғизистон муносабатларидаги муҳим қирра бўлиб қолди. Кўп сонли учрашувлар ҳақида гап кетар экан, 7 сентябрь куни Қирғизистоннинг Ўш вилояти делегацияси Андижон вилоятида бўлганини эслаш жоиздир: икки минтақа аҳолиси ҳақиқий дўстлик байрамининг иштирокчилари бўлишди. Бугунги кунларда кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли чегаранинг икки томонида истиқомат қиладиган оилалар ҳеч қандай қийинчиликларсиз дийдорлашиб туришлари, бир-бирлариникига бориб-келишлари мумкин.

Дарҳақиқат, чегара ўтиш пунктлари ишлари қайта тиклангани маҳаллий аҳолига шоду хуррамлик келтираётгани баробарида трансчегара ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ҳам кўмаклашмоқда. Масалан, шу пайтга қадар қайта тикланганларига қўшимча равишда жорий йилнинг 1 октябрида Андижон ва Жалолобод вилоятлари ўртасидаги "Маданият" ўтиш пунктида аҳоли ҳамда транспорт воситаларининг ҳаракатланиши қайта йўлга қўйилди, шунингдек, Фарғона ва Баткен вилоятлари ўртасидаги "Водил" пунктида ҳам Ўзбекистон ҳамда Қирғизистон фуқароларининг бир-бирлари томон ўтишларидаги чекловлар бекор қилинди.

Сўнгги йил давомида маданий-гуманитар соҳадаги муносабатлар ҳам сезиларли даражада фаоллашди. Эслатиб ўтамиз: таълимни ривожлантириш бўйича умумий устуворликлар ҳисобга олинган ҳолда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Жусуп Баласагин номидаги Қирғизистон Миллий университет ўртасида ҳамда Андижон ва Ўш давлат университетлари ўртасида Англашув меморандумлари амал қилмоқда.

Икки мамлакат театрлари ўртасида ҳам фаол алмашувлар мавжуд. Масалан, 2017 йилнинг февралида Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Ўш давлат ўзбек мусиқали академик драма театри Ўзбекистоннинг Фарғона водийси шаҳарлари бўйлаб гастроль сафарини уюштирди. Июнь ойида эса Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри ўз репертуарини Қирғизистоннинг жанубий минтақалари аҳолисига намойиш этди. Ушбу театр жамоаси сентябрь ойининг ўртасида Бишкекда ўтказилган "Арт-Ордо" VI халқаро театр фестивалида "Дилдаги доғ" спектакли билан қатнашиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, жорий йил Самарқандда бўлиб ўтган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида Қирғизистоннинг "Мурас" гуруҳи фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Маданий тадбирлар ҳақида сўз кетар экан, 5-7 октябрь кунлари Бишкек ва Ўш шаҳарларида республикамиз делегацияси иштирокида Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари ўтказилишини маълум қилиш ўринлидир. 31 октябрда эса Қирғизистон пойтахтида Ўзбекистон давлат арбоби ва ёзувчиси Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган кўргазма ташкил этилади.

Хулоса тариқасида ишонч билан айтиш мумкинки, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоевнинг Ўзбекистонга буюражак давлат ташрифи доирасида ўтадиган учрашув ва музокаралар икки дўст мамлакат ҳамда қардош халқлар ўртасидаги кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кучайтириш йўлидаги яна бир қадам бўлади.

**Г. НУРЖОНОВА,**
**"Жаҳон" АА**

***Бугунги кунда фуқаролик жамияти деган ибора энг кўп ишлатиладиган, ОАВларда бот-бот тилга олинадиган ибора бўлиб қолди. У айни пайтга келиб, инсоният эришган чўққи, ижтимоий идеал дея тушунтирилмоқда.***

# ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Фуқаролик жамиятини шакллантиришдан асосий мақсад инсон ҳаётини муҳофаза қилиш, унинг мақсадлари, манфаатларини муайян ташкилотлар, ижтимоий институтлар, гуруҳлар, оила ва бошқа бирлашмалар орқали амалга оширишга қаратилган. Фуқаролик жамиятининг мазкур институтлари, ўз навбатида, алоҳида шахс учун унинг ҳокимият манбаи эканлигини ҳис қилишга ҳамда унинг лаёқати ва ҳаракати, обрўси жамиятда юксак қадрият сифатида тан олинишини таъминлашга хизмат қилади.

Ғарб давлатларида XX асрнинг иккинчи ярмида бошланган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар, турли модернистик қарашларнинг, индустриал ва постиндустриал, информацион жамиятлар деган ғояларнинг пайдо бўлиши фуқаролик жамияти ҳақидаги тушунчаларга таъсир этмай қолмади. Ҳатто, Ғарб жамияти ва унинг қадриятлари таназзулга учрамоқда, "фуқаролик жамияти" эски тушунча, у энди эскирди, бугун инсоният моҳиятан бутунлай янги, кенг интеграция ва ахборотлаштиришга асосланган жамият томон бормоқда, унда "умумий дин", "интермаданият", "интермулоқот" асосий қадриятларга айланади, деган анчайин гипотетик назариялар пайдо бўлмоқда. Кейинги даврда Ғарбда юзага келган глобал инқирозлар маънавий тушкунлик, демографик муаммолар, диний ва этник низолар, айрим аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларнинг, ишсизларнинг оммавий ҳаракатлари тадқиқотчиларнинг жамият ҳақидаги қарашларига таъсир этиб, уларни янги бир ижтимоий тузум, ижтимоий борлиқ кашф этишга ундамоқда.

Тарихдан маълумки, бирор халқ ҳаётида тарихий бурилиш содир бўлаётган даврларда жамият янги истиқболлар сари бормоғи учун ижтимоий муносабатларни шунга мувофиқ ўзгартирилмоғи лозим бўлади. Шу боис ижтимоий муҳитдаги ўзгаришлар шахснинг ва бутунича жамиятнинг тафаккурида, дунёқарашида, маънавий оламида ўзгаришларни тақозо этади. Юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар ва миллий анъаналарни ҳаётга жорий этиш масаласининг Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилиши жамиятимизни янгилашга, демократик ҳамжамият билан интеграциялашувга интилаётган мамлакатимизнинг янги қиёфаси ва фуқароларимизнинг янгича тафаккурини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Демак, айтиш мумкинки, ушбу ахлоқий тамойиллар: жамиятни янгилашга; дунё демократик ҳамжамияти билан интеграциялашувга; мамлакатнинг янги – демократик қиёфасини юксалтиришга ва фуқароларимизнинг янгича тафаккурини пайдо бўлишига бекиёс ҳисса бўлиб қўшилади.

Аслини олганда етук инсонларни ақлий фаолиятлари, тафаккури жаҳон фани ва маънавиятининг энг яхши ютуқларини ўзига сингдириб олган баркамол авлодни тарбиялаш, камол топтириш давр талабидир. Шу сабабли "бизнинг муқаддас динимиз ҳам, бутун Шарқ фалсафаси ҳам бу қадриятларни улуғлаган, уларни ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим шартлари деб билган".

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этар эканмиз, бу жараёндаги номарказлаштириш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқарувидаги ролининг ошиши, давлатнинг ваколатига кирувчи кўплаб вазифаларни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат органларига берилиши ва шу кабилар инсоний муносабатларга, чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянади.

**Бахтиёр ТОЖИБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти Ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича Фундаментал ва амалий тадқиқотлар маркази илмий ходими, лейтенант**

# АДАБИЙ-БАДИИЙ КЕЧА

***Яккасарой туманида жойлашган 118-умумий ўрта таълим мактабида атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 110 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.***

Унга Абдулла Қаҳҳор номли маҳаллада истиқомат қилаётган фахрийлар, зиёлилар, мазкур таълим масканининг ўқитувчилари ва ўқувчилари, шунингдек, мутасадди ва жамоат ташкилотлари ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилди.

"Абдулла Қаҳҳор – моҳир ҳикоянавис" деб номланган маданий-маърифий тадбир аввалида сўзга чиққан элимиз ардоғидаги ижодкорлар — Дадахон Нурий ва Ашурали Жўраев ҳамда Абдулла Қаҳҳор номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Феруза Орипова, физика-математика фанлари номзоди Ҳамиджон Тоҳиржонов, 118-умумий ўрта таълим мактаби директори Фотима Бекмуродова ва бошқалар атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижодига тўхталиб, у қолдирган асарлар орадан кўп йиллар ўтса ҳамки долзарб эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

— Абдулла Қаҳҳор уй-музейи билан мазкур мактаб ўртасида яхши ҳамкорлик йўлга қўйилган. Музейимиз улуғ адибимизнинг 80 йиллик юбилейи арафасида 1987 йилда очилган бўлиб, ҳозирда 5000 га яқин экспонатлар мавжуд. Яқинда музей ташкил этилганлигининг 30 йиллигига бағишлаб, Тошкент фотосуратлар уйида Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди акс этган фотокўргазма уюштирдик. Шунингдек, "Ёшлар билан суҳбат" китоби қайта нашрининг тақдимот маросимини ўтказдик. Бизни қувонтирадиган жиҳати шундаки, ҳозирги пайтга келиб, учрашувларимизга таниқли ижодкорлар, адабиётшунос олимлар қаторида ёшларнинг ҳам ташриф буюрганини кўриш мумкин. Бугунги адабий-бадиий кечамиз аввалги тадбирларимизнинг мантиқий давоми бўлди, десак муболаға эмас, — дейди Абдулла Қаҳҳор уй-музейи директори Дилдора Рафиқова.

Тадбирда 118-умумий ўрта таълим мактабининг 7- ва 8-синф ўқувчилари томонидан Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб асарлардан саҳна кўринишлари намойиш этилди. Шунингдек, улар ўзлари тайёрлаган шеър, монолог, ашула, рақс каби бадиий ва мусиқий чиқишлари билан тадбирга ўзгача файз олиб киришди.

**Бахтиёр ЖЎРАЕВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 2 октябрдаги 181к-ПО буйруғи ва 2017 йил 3 октябрдаги 05/1146-сонли буюртмономасига асосан аукцион савдоларига "Бинолардан фойдаланиш департаменти" ДУК балансидаги Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ифтихор кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган маъмурий бино қўйилмоқда. Умумий майдони 977,0 кв.метр, қурилиш майдони 565,0 кв.метр, бошланғич нархи – 4 589 734 033,89 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 10 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уйда ўтказилади. Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2017 йилнинг 29 ноябрь, 14 ва 29 декабрь кунлари ҳамда 2018 йилнинг 15 ва 30 январь, 14 февраль, 1 ва 16 март, 2 ва 17 апрель кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизи (688 460 106 сўм)дан кам бўлмаган миқдорда, Савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртмономалар билдиришнома эълон қилинган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00дан 16.00гача қабул қилинади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси бошланишидан уч соат олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртмономани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун савдо ташкилотчиси "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. **Лицензия: RR 0001.**

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 21.02.2005 йилда №000698-05 реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган, "OZ'TIBTA'MINOT" уюшмаси (ИНН 201099733) таъсисчиларнинг 22.03.2017 йилдаги баённомасига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: 250-83-98

Тошкент педиатрия-тиббиёт институти ректорати, меҳнат жамоаси Тошкент педиатрия-тиббиёт институти ректори, профессор Ботир Тургунпулатович Даминовнинг волидаи муҳтарамаси, Болалар юқумли касалликлари кафедрасининг собиқ доценти

**МАЛИКА аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Шайхонтоҳур туманидаги умумий ўрта таълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида 141-мактаб ошхонасини ижарага бериш бўйича

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Танловда иштирок этувчилар аризалари 2017 йил 6 октябрь соат 18:00 га қадар Шайхонтоҳур тумани, Марказ 14, 17а-уй ШТХТМФМТТЭ бўлимида қабул қилинади.

**Танлов 2017 йилнинг 7 октябрь куни соат 11:00 да Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 7а-уй (Шайхонтоҳур туман ҳокимияти мажлислар зали)да бошланади.**

Телефон: (99871) 244-65-03.

Яшнобод тумани тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш "Ягона дарча" маркази томонидан 2017 йил 18 августдаги 538423-сонли тартиб рақами билан рўйхатга олинган "MADINA MALIKA FAXRI" масъулияти чекланган жамияти (СТИР-305027404) ўзини ўзи тугатиш тўғрисида такроран 20.09.2017 йилдаги 1-сонли қарорга мувофиқ

**ТУГАТИЛАДИ**

Кредиторлар ва дебиторларнинг даъволари 2 ой муддат давомида (90) 345-26-26 телефони орқали қабул қилинади.

**ЎЗГИДРОМЕТ**

*Тошкент шаҳрида* ***5 октябрь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига — 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 6-8, кундузи — 13-15 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра,* ***5 октябрда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

